

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Қўзиев Исломжон Неъматович
ТДИУ, "Аудит" кафедраси мудири, проф.

Юртбошимизнинг иқтисодиётдаги ислоҳотлари замирида дастлабки қадамлари чет эл инвесторларини мамлакатмизга жалб қилишда катта эътибор берилмоқда. Бунинг асосий сабаблари бири кўплаб соҳалар яъни қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, озиқ-овқат, савдо-сотиқ ҳамда бошқа енгил саноат тармоқлари корхоналари йирик саноат корхоналарга, гарчи уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаса ҳам, биринкириб қўйилганлиги, ушбу тармоқ корхонлари эса ўз фаолиятлари натижасида зарар билан ишлаб, саноат корхоналарини ривожланишига тўсқинлик қилиб келганлигидир. Уларнинг фаолиятидан кўрилган заарлар саноат корхоналар хисобидан қопланиб келинмоқда эди, яъни гуёки улар давлат дотацияси ёрдамидаги корхоналар эди. Дастлаб, 2019 йилларда уларни алоҳида саноат корхоналарни ажратиб олиниб, давлат активлари хисобига ўтказилди. Давлат активлари агентлиги томонидан эса улардаги давлат улушини ва мол-мулки, тендер ёки ким ошди савдолар орқали инвестиция жалб қилиш мақсадида сотувга кўйилди, яъни, давлат активлари ёки давлат улушлари бўлган кўплаб корхоналар хусусийлаштирила бошланди. Бу тармоқлар, албатта, чет эл инвесторларни хам қизиктирмасдан қолмасди. 2019 йилда келиб кўплаб давлат активлари унумли фойдаланилмаган холда ёки баъзи соҳаларда фаолият юритаётган давлат улуси бор корхоналар зарар билан ишлаб турган эди.

Давлат томонидан бу активлар ва корхоналар босқичма-босқич хусусий секторга сотила бошлади. Фақатгина стратегик соҳаларгина давлат тасааруvida қолдирилди. Бу жараён ҳозир хам давом этмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий муносабатларни либераллаштириш, бизнес юритувчиларни кенг миқёсда қўллаб-куватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестицион жозибадорликни ошириш давлатимиз олдида турган муҳим иқтисодий вазифалар хисобланади. Инвесторларга юртимиздаги инвестицион муҳит тўғрисида ишончли, сифатли маълумотларни етказиб бериш, корпоратив менежментнинг шаффофлик, ҳисобдорлик ва жавобгарлик каби жаҳон тамойиллари мос келишини таъминлашда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрьдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарорига кўра аудиторлик фаолиятининг сифатини халқаро стандартларга жавоб берадиган даражага етказиш,

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик хulosаларига ишончини ошириш натижасида аудиторлик текширувларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашнинг тобора аҳамияти ортиб бормоқда.

Маълумки, бирор соҳага инвестиция жалб қилиш ёки инвесторларни фойда олишига ишонтира билиш осон эмас. Инвесорлар ўз маблағларини бирор соҳага ёки корхоналарнинг акцияларини харид қилиши учун ушбу соҳа ёки корхона хақида етарлича ва ишончли молиявий ҳисботга эҳтиёж сезилади. Мамлакатимиз учун бу вазиятда аниқ тадбир ва ислоҳот керак эди. Ушбу масалани ҳал қилиш учун 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар, МХҲС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисботни МХҲС асосида тайёрлаш белгилаб қўйилди.

Олдимизда ҳозирги замон аудиторлик соҳасида долзарб масала сифатида аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш учун барча чораларини кўришга киришилди. Шу максадда сўнги йилларда қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу хужжатлар аудитор фаолиятинии халқаро стандартлар талаблари ташкил қилишда ҳукуқий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Янги қарорлар орқали аудиторлик соҳасида кўплаб янгиликлар киритилиб, мавжуд талабларга халқаро стандартлар талаблари асосида ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

-аудиторлик фаолияти соҳасидаги асосий принциплар: Янги қонун бўйича аудиторлик фаолияти соҳасидаги асосий принциплар мустақиллик, холислик, касбий билимга эгалик ҳамда ахборотнинг махфийлиги билан бир қаторда халоллик принципи хам кўшилди. Ҳар бир принципга алоҳида модда сифатида изоҳ киритилди. Мустақиллик принципига аудиторлик ташкилоти таҳминларга асосланган ҳолда фикр билдиришга йул қўймаслиги, мустақиллигига монелик қиласиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, аудиторлик хизматлари кўрсатишни рад этиши керак қайд этилди.

-аудиторлик фаолияти стандартлари: Илгари норматив хужжатлар бўйича аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари аудиторлик фаолиятини амалга ошириш бўйича ягона талабларни белгиларди. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувини ўтказишида аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

аудитнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкин деб қўрсатилган бўлса янги қарорлар бўйича:

-халқаро бухгалтерлар федерациясининг аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари;

-сифат назоратининг халқаро стандартлари;

-таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари;

-ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари;

-турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартларидир деб қўрсатилган.

-аудиторлик фаолияти соҳасини тартибга солиши.

Янги қарорлар бўйича ҳар бир ваколатли органлар яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг аудиторлик фаолияти соҳасида аник вазифалари белгилаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳони ўтказиш тартибини белгилайди деб қўрсатиб ўтилди. Илгари бу вазифани аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалри амалга оширар эди.

Хулоса қилиб, Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириш натижасида аудиторлик фаолиятини профессионал тартибда ташкил қилиш, бухгалтернинг одоб ахлоқ кодекси асосида амалга оширишга, аудит жараёнидаги тартиб-таомилларнинг шаффофлигини таъминлашга, инвесторларни ишончли маълумотлар билан таъминлашга, аудиторлик ташкилотлари хизматларининг сифатини ва рақобатбордошлигини оширишга хизмат қиласи. Натижада, яқин йилларда мамлакатимиздаги Аудиторлик ташкилотларнинг халқаро рейтинг даражага кўтарилиш имкони пайдо бўлади. Аудиторлик фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилиш бу бугунги куннинг давр талаби ҳисобланади. Бутун жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий интеграция туфайли мамлакатимизда ҳам халқаро ҳисоб нормаларининг қўлланилиши оқибатида мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратилади, жаҳон бозоридаги ўрнимиз мустаҳкамланади. Шу қаторда, бир қанча афзал жиҳатлари мавжуд:

-чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилишда ҳисоб тизимидағи қатор муаммолар бартараф бўлади;

-халқаро ҳисобдаги рақамли бухгалтерия ва аудитнинг кириб келиши натижасида вақт ва пул ҳамда бошқа харажатлар тежалади;

-битта умумий ҳисоб тизимиға ўтилгани учун инвесторларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши ортади;

-жаҳон бозорида қимматли қофозларимизнинг нархи ошади;

-юртимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни йирик транс компанияларга айланиши учун замин бўлади.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Адабиётлар:

1. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойихалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
2. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O 'quv qo'llanma. T.: "Iqtisod-moliya."
3. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
4. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
5. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
6. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
7. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
8. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы».
9. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
10. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
11. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
12. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
13. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
14. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79